



**ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**  
**«G`IJDUVON PAXTA TOZALASH» AJ (адресат) реkvизитлари:**

№ 5

Бухоро вилояти, Гиждувон тумани, Позагари кишлоғи; СТИР-201 081 187; “Агробанк” Бухоро филиали; МФО-00089; х/р: 2021 0000 5004 1082 3001; .ХХТУТ-17111; ОКЭД-13101

**“OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти реkvизитлари:**

100000, Тошкент ш. Юнусобод т., А.Темур 1-тор кўчаси 2-у, Tel: 236-11-60, 236-24-32, [osiyo-audit@mail.ru](mailto:osiyo-audit@mail.ru), серия АФ № 00817-сонли 17.04.2019 йилдаги Молия Вазирлиги томонидан берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш лицензияси; 11.08.1998 йилдаги 517-сонли гувоҳнома, АТИБ Ипотекабанк Мехнат бўлими х/р 20208000503945832001, СТИР 202629997, МФО 00423.

МЧЖ “OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 11 июн 2016 йилда берилган №05391-сонли аудитор малака сертификатига эга Қодиров Иззатулло Жумаевич.

МЧЖ “OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти директори - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 08 январь 2008 йилда берилган № 04504-сонли аудитор малака сертификатига эга Исмаилов Адилбек Матчанович.

Мен МЧЖ “OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори «G`IJDUVON PAXTA TOZALASH» AJ нинг “Бухгалтерия баланси”-1-шакл, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”-2-шакл, “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”-4-шакл; “Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот”-5-шакл; Тушунтириш хатидан иборат 2020 йил (1 январдан 31 декабргача) ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончилигини 01.02.2021 йилдаги 5-шартнома асосида мажбурий аудит текширувдан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

«G`IJDUVON PAXTA TOZALASH» AJ нинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

МЧЖ “OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «G`IJDUVON PAXTA TOZALASH» AJ илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувдан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «G`IJDUVON PAXTA TOZALASH» AJ нинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Директор

Аудитор  
2021 йил “31” март



А.Исмаилов

И.Қодиров